O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KIT[illegible]TASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 21-avgust • Payshanba • 99 (27.904) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ватан равнақи аввало унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳар бир юртдошимизни зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади».

Маънавият

ВАТАН ТУЙҒУСИ

Насрий қасида

Президентимиз таъкидлаганидек, «Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир».

Мустақиллик халқимизнинг кўп йиллик орзуси, катта курашлар натижасида қўлга киритган буюк тарихий ютуғи, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон учун эркинлик ва озодлик тимсоли, энг улуғ ва энг азиз айём, буни чуқур очиб бериш биз, қалам аҳлининг вазифаси ҳисобланади. Шу боис бир қасида ёзиб, ҳукмингизга ҳавола қилишга жазм этдим.

2-бет

ГАЗЛИДА ЯНА БИР ИНШООТ

Бухоро вилоятидаги Газли конларидан бир кеча-кундузда узатилаётган табиий газ миқдори 80-85 минг куб метрга кўпайди.

Қизилқум кенгликларида жойлашган Кулбишкек кони ҳудудида йирик газ қудуғи ишга туширилди. Лойиҳа қиймати икки ярим миллиард сўмлик бу иншоотни Олот нефть-газ қидирув экспедицияси қисқа вақтда барпо этди. Жорий йил бошида Хўжақазғон ҳамда Кулбишкекда фойдаланишга топширилган икки йирик қудуқ ҳамда ушбу объектдан бир кеча-кундузда салкам уч юз минг кубметр газ қазиб олинмоқда. Қимматли саноат ресурси Учқирдаги газни тозалаш заводида қайта ишланмоқда.

Бош пудратчи — «Бухоро бурғулаш ишлари» ҳиссадорлик жамияти Хўжақазғон ҳудудида яна бир қудуқни қуряпти. Иншоот яқин кунларда фойдаланиш учун «Газлинефтгазқазибчиқариш» унитар шўъба корхонаси ихтиёрига топширилади.

«Газлинефтгазқазибчиқариш» унитар шўъба корхонаси бош геологи Неъмат Обидовнинг айтишича, янги қудуқлар ишга туширилиши ва мавжуд иншоотлардан самарали фойдаланиш ҳисобига ер қаридан олинаётган маҳсулот миқдори кўпаймоқда.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири

Кёнг Джэ МИН:

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИ ТАНЛАГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН ОҒИШМАЙ БОРАЁТИР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кёнг Джэ Мин билан суҳбатлашди.

— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболини қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон — улкан имкониятларга эга мамлакат. Корея Республикаси дўст Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон — Корея муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилганини мамнуният билан таъкидлашни истар эдим. Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлиги икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга интилиши муштараклигидан далолатдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жорий йилнинг февраль ойида Сеулга ташриф буюриб, янги сайланган Президент Ли Мён Бакнинг ўз лавозимига расман киришишига бағишланган маросимда иштирок этди. Яқинда эса икки мамлакат раҳбарлари Пекинда музокара ўтказдилар. Ушбу учрашувлар давомида эришилган келишувлар икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг қатор халқаро ва минтақавий муаммоларга қарашлари ўхшаш. Жумладан, хавфсизликка таҳдид солувчи терроризм, айирмачилик, экстремизм ва наркобизнес каби иллатларга қарши курашда муросасизлик тамойилига ҳар икки давлат бирдек амал қилади.

— Ҳамкорликнинг қайси йўналишларини устувор деб биласиз?

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик деярли барча йўналишларда жадал тараққий этмоқда. Айниқса, нефть-газ, энергетика, авиасозлик, машинасозлик, савдо, саноат, фан-таълим, транспорт ва транспорт коммуникациялари, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, электротехника соҳаларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2007 йилда 850 миллион АҚШ долларидан ошди. Жорий йилда бу кўрсаткични 1 миллиардга етказиш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистонда кореялик ҳамкорлар билан ташкил этилган уч юздан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат, енгил саноат, металлни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётир. Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг етмишдан зиёд компанияси ўз ваколатхонасини очган. Икки мамлакат ишбилармонлари ҳамкорликда саноатнинг янги тармоқларини ўзлаштирмоқда.

Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай муҳит, имконият ва имтиёзлар кореялик ишбилармонларнинг мамлакатингизга қизиқишини тобора оширмоқда.

Жорий йилнинг май ойида Корея Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи чоғида 2008-2011 йиллар давомида Ўзбекистонга 120 миллион АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш тўғрисидаги ҳадли келишув, шунингдек, стандартлаштириш, геология, илм-фанни ривожлантириш муассасалари, «Асакабанк» билан Корея Эксимбанки ўртасида ҳамкорликка доир ҳамда Ўзбекистон ҳудудидаги конларни ўзлаштиришга, ишлаб чиқаришнинг янги турларини жорий қилишга оид қатор ҳужжатлар имзоланди. «UzKorGasChemical» қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Икки мамлакат ҳамкорлигида Ўзбекистонда автомобилсозлик саноати вужудга келганини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Маданият ва санъат намояндаларининг алоқалари ҳам жуда фаол. Кореялик созанда ва хонандалар ҳар икки йилда Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашадилар.

Жанубий Корея Ўзбекистон билан ҳамкорликда таълим, тўқимачилик, ахборот технологиялари, нефть-газ, инфратузилма, қурилиш каби соҳаларда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тарафдоридир.

— Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга оширилган ўзгаришлар ҳақидаги фикрингиз?

— Юртингиз барча соҳаларда жадал янгиланишларни бошдан кечирмоқда. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида халқингиз барча соҳаларда кенг қамровли, изчил ислоҳотларни амалга оширмоқда ва кутилган натижаларга эришмоқда. Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида ўз муносиб ўрнини топди. Ташқи дунё билан алоқаларни кенг кўламда ривожлантириш йўлидан бораётган Ўзбекистон ўз минтақасида хавфсизликнинг асосий таянчи вазифасини ўтаётгани, унинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда кенг эътироф этилган.

Ўзбекистон ўзи танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай бораётир. Унинг энг катта ютуғи мамлакатдаги тинч ва осуда ҳаёт, ривожланаётган иқтисодиётдир. Бундай тинчликпарвар ва тараққийпарвар сиёсат келажакда янада кўплаб самаралар беришига ишончим комил.

ЎзА мухбири Ирода УМАРОВА суҳбатлашди.

ЎзХДП ҳаёти

ҲАР БИР ИНСОН ТАҚДИРИДА

ЎЗ ЎРНИ БОР ОЗОДЛИКНИНГ

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, мустақиллик шу ватанда яшаётган ҳар бир инсон тақдирида катта ўзгариш ясади. Унутилаётган қадриятларимизнинг тикланаётгани эса ўзлигимизни янада чуқурроқ англаб бораётганимиздан далолатдир. Ана шундай ўлмас, халқимизга хос удумларимиздан бири байрамлар, турли маросимлар олдидан ёши улуғ отахон ва онахонларни йўқлаш анъанасидир. Куни кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миробод туманидаги кенгаши фаоллари туманда истиқомат қилувчи юз ёшдан ошган нуроний кексаларни байрам билан қутлаш мақсадида уларнинг хонадонларига боришди.

Абдивоси ХАЙДАРОВ олган сурат

Раиса Кушева, Ўзбекистон ХДП Миробод туман кенгаши раиси:

— Мустақиллик байрами кексаларга ўзгача таъсир қилади. Чунки улар озодликка бўлган даврнинг жуда кўплаб қийинчиликларини бевосита ўз бошларидан кечиришган. Не-не кунларни кўрган. Биз уларнинг қувончларига шерик бўлиш, кайфиятларини янада кўтариш мақсадида ҳамда меҳнат фахрийларининг бугун ҳам ёш авлодга кераклигини чуқур ҳис қилишлари учун улар ҳузурига бораяпмиз.

Қўзибиби ая Жўраева, 106 ёш:

— Беш фарзандим, ўттизга яқин неварам, олтмишга яқин эварам бор. Не бахтки, бугун улар озодлик байрамини ўз кўнгилларидагидек нишонлаяпти. Биз илгари ҳатто халқимизнинг минг йиллик шодиёнаси Наврўз, Ҳайит байрамларини ҳам нишонлай олмасдик. Ниҳоят, шундай ёруғ кунларни кўриш насиб этди. Шукурки, толе бизга яна кулиб боқди, ҳур замонда тинч-тотув кун кечиряпмиз.

Риқси ая Алиқулова, 104 ёш:

— Эркинлик замони биз неча йиллаб кутган орзуларимизни рўёбга чиқарди. Қиркдан ошиқ невара ва ўттиздан ортиқ эварам бахтли замонда яшаяпти. Уларнинг толеини кўриб, Фарғона каналини очишда, Иккинчи жаҳон урушида, ундан олдинги ва кейинги даврда халқимиз чеккан азоб-уқубатлар, шўро замонида тортган кўргиликлар заҳматини унутгандек бўламан. Бир асрдан ортиқ яшаган бўлсам, бугунгидек инсон қадр топган замонни кўрмадим...

Туман партия кенгаши энг улуғ, энг азиз байрам арафасида яна кўплаб табаррук кексалар хонадонида бўлиш, турли тадбирлар ўтказишни режалаштирган.

Гулгун СУЛТОНОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент шаҳри юртимиз дарвозаси ҳисобланади. Ҳар қандай инсон пойтахтга боқиб, унда қад ростлаган муҳташам иншоотларга разм солиб, бутун Ўзбекистон ҳақида тасаввурга эга бўлиши, мамлакатимизнинг бугуни ва эртаси ҳақида фикр юритиши табиий. Бугун Мустақиллик йилларида, гўзал пойтахтимиз марказида барпо этилган Олий Мажлис Сенати, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, Халқаро бизнес маркази, Эски шаҳардаги Болалар ижодиёти уйи, Миллий либослар галереяси, Миллий боғдаги Кўргазмалар зали каби муҳташам иншоотлар халқимиз маданияти ва салоҳиятини намоён этиб тургани айни ҳақиқат.

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида пойтахтимизнинг қоқ марказида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида барпо этилган Ёшлар ижод саройи эса юртимиз йигит-қизлари учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди.

2008 йил — Ёшлар йили

ЁШЛАР ИЖОД САРОЙИ

йигит-қизларимизнинг иқтидорини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган маскан

Ёшлар ижод саройида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиб, мазкур марказ ёш авлоднинг иқтидорини ривожлантириш, ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш ва бу соҳада эришган ютуқларини кенг намоён этиши учун хизмат қилишини таъкидлаган, ёш авлод салоҳиятини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитни яратиш зарурлигини алоҳида қайд этган эди.

Ёшлар ижод саройида 3 та кўргазмалар зали, маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган катта зал, шунингдек, санъатнинг турли йўналишлари бўйича машғулотлар ўтказиладиган ижодий лабораториялар мавжуд ва улар барча қулайликларга эга. Мазкур муҳташам сарой йигит-қизларимизнинг тасвирий, амалий ва фотосанъат соҳасидаги ишлари кўргазмаларини ташкил этиш мақсадида барпо этилган бўлиб, яна бу масканда концертлар, ижодий учрашувлар, конференция ва семинарлар ташкил этиш имконияти ҳам яратилган.

2-бет

С.Тигиев

ИККИ КУМУШ, УЧ БРОНЗА

энди навбат олтин медалга...

XXIX ёзги Олимпия ўйинларида мамлакатимиз спортчилари яна иккита медални қўлга киритишди. Аввалига спорт гимнастикачимиз Антон Фокин брусьяда машқ бажаришда бронза медали совриндори бўлганди. Эркин курашчимиз Сослан Тигиев (74 кг.) эса шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

4-бет

А.Фокин

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашида партия ташкилотлари етакчилари иштирокида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида республикамиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тадбирларни ташкил этиш ва уларда иштирок этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Йиғилишда, шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан боғлиқ тадбирларни ўтказишда партия ташкилотлари ҳамда фаолларнинг вазифалари белгилаб олинди.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят ташкилотлари томонидан ҳам ушбу улуғ санага бағишланган қатор оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, **Деҳқонобод туман партия кенгаши** ҳамда М.Аҳмедов номли ҳудудий партия ташкилоти томонидан Агросаноат касб-ҳунар коллежида «Мустақиллик — менинг тақдиримда» мавзуидаги маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Иштирокчилар истиқлол йилларида амалга оширилган ўзгаришлар, яратилаётган имкониятлар натижасида аҳоли турмуш даражаси яхшиланиб, ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилаётганини таъкидлашди.

Чироқчи туман партия кенгаши ташкил этган давра суҳбатида «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари, ЎзХДП аъзолари бўлган қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, Хотин-қизлар қўмитаси туман бўлими ва «Нуроний» жамғармаси вакиллари иштирок этдилар. Унда истиқлол шодиёнасини миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз билан ҳамоҳанг тарзда узоқ қишлоқ ва овулларда ҳам муносиб нишонлаш борасида чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Китоб туманидаги Паландара ва Тўпчоқ ҳудудий партия ташкилотлари томонидан ташкил этилган давра суҳбати «Мустақиллик байрами — барчамизники, бутун ҳалқимизники» деб номланди. Унда ўтиб бораётган 17 йил давомида мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган ютуқлар хусусида сўз юритилди. Мустақилликнинг мазмун-моҳиятини халқимиз орасида кенг тарғиб қилишга муносиб ҳисса қўшган партия фаоллари, аъзолари ва электорат вакиллари байрам муносабати билан Фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, туман партия кенгашида «Ёшлар йили» Давлат дастурининг партия ташкилотлари томонидан бажарилиши ва истиқлол байрамини муносиб ўтказиш хусусида фаоллар йиғилиши бўлди. Тумандаги 16 та мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ўртасида «Омад кубоги» мусобақаси ташкил этилди. Мусобақа ғолибларига ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

ЎзХДП Хонобод туман кенгаши ва Хонобод шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликда байрам муносабати билан ва партия фаоли, меҳнат фахрийси Солижон Меҳмонов хотирасига бағишланган белбоғли кураш бўйича турнир ўтказди. Мусобақа очилишида сўзга чиққанлар спорт, миллий анъана ва қадриятларимизга берилаётган эътибор, ёшларимизнинг жаҳон спорт майдонларида эришаётган ютуқлари ҳақида сўзлашди. Ғолиблар ташкилотчи ва ҳомийларнинг совғалари билан тақдирланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

ЁШЛАР ИЖОД САРОЙИ

йигит-қизларимизнинг иқтидорини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган маскан

(Давоми. Боши 1-бетда)

Куни кеча Ёшлар ижод саройи ўз фаолиятини бошлади — унда дастлаб «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг V Ёшлар форуми бўлиб ўтди. У «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси кўмагида ташкил этилди. Шунингдек, «Навқирон Ўзбекистон» анъанавий ва замонавий санъат Республика фестивалининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Эслатиб ўтамиз, мазкур тадбир 2004 йилдан бери «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида икки йилда бир маротаба ўтказиб келинмоқда. Бу йилги фестиваль 1 сентябргача давом этиб, унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган 18 дан 35 ёшгача бўлган 200 нафардан ортиқ рассом ва амалий санъат усталари иштирок этишмоқда. Ижод саройида ёшларнинг фестивалга тақдим этган санъатнинг рассомлик, графика, ҳайкалтарошлик, дизайн, фото, видео-арт, инсталляция, кулолчилик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги, ганч, текстиль ва бошқа йўналишлар бўйича ишланган энг сара асарлари намойиш этилмоқда.

Раҳимжон ЗОҲИДОВ, наққош:

— «Навқирон Ўзбекистон» анъанавий ва замонавий санъат Республика фестивалида ёғочдан миллий услубда ясаган хонтахта, патнис, қутичам билан илк маротаба иштирок этаяпман. Бу ҳунар билан 8 йилдан бери шуғулланаман. Дастлаб наққошликни ўрганиш мақсадида Яккасарой туманидаги Болалар ижодиёти марказига борганман. Унинг сир-асрорларини чуқур ўрганишимда устозим Дилшод ака Ҳайитметов яқиндан ёрдам берган. Мақсадим — миллий наққошликни янада ривожлантириб, дунё миқёсига олиб чиқиш. Шундай фестивалларнинг ўтказилиши эса биз ёшларнинг бу каби орзу-умидларимизни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Зухра ХЎЖАЕВА, либос дизайнери:

— Бундан икки йил аввал «Навқирон Ўзбекистон» фестивалида ўзим яратган либослар билан қатнашган эдим. Бу йил ҳам «Заминнинг туғилиши» деб номлаган еттита ишим билан омадимни синаб кўрмоқчиман. Ўйлашимча, бу йилги фестиваль барча иштирокчиларнинг хотирасида ўчмас из қолдиради. Чунки бугун Ёшлар ижод саройининг очилиш маросимида ҳам иштирок этаяпмиз. Бу муҳташам маскан иқтидоримизни, асарларимизни эл-юртимизга намоён этишимизда катта имкон яратади.

Бобур ДАДАМУҲАММЕДОВ, заргар:

— Ёшим 19 да. Ёшлар йили мен учун жуда омадли келди. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаси бўлдим. Бугун эса сўнгги икки йил ичида ясаган анъанавий ва замонавий заргарлик буюмларим билан «Навқирон Ўзбекистон» фестивалида иштирок этаяпман. Заргарлик менга ота касб. Отам Фасиҳиддин Дадамуҳаммедов «Ўзбекистон халқ устаси». Акаларим Муҳсин ва Талъат ҳам шу касб билан шуғулланишади. Мен ясаган заргарлик буюмлари Германия, Франция, Украина давлат музейларида сақланади.

Фестиваль доирасида ёш иштирокчилар бир ҳафта мобайнида Холида Комилова, Марат Содиқов, Акбар Раҳимов, Жалолиддин Миртожиев каби таниқли арбоблардан санъатнинг нозик сир-асрорларини ўрганишади. Бу эса ёшлар учун тажриба алмашиш, малака ошириш, ўзаро мулоқот қилиш имкониятини беради.

Маъмуржон МАҲМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ, Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар

ВАТАН ТУЙҒУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

1. МИЛЛАТИМИЗНИНГ ОЛТИН БЕШИГИ

Ватанни севмоқ иймондандир. Шу ақидага риоя қилган ҳолда халқимиз ва миллатимизнинг олтин бешиги бўлмиш Ватанимиз ва Ватан туйғуси ҳақида баҳс этамиз.

Маълумки, бу ёруғ дунёда ватандан буюкроқ неъмат йўқ. Бизким, ўзбеклар — ҳаммамиз шу азиз Ватанимиз — Ўзбекистоннинг тирик зарраларимиз, унинг фарзандларимиз. Ватан ҳақида кўп гапирилади-ю, лекин аслида «Ватан нима?» деган саволга ҳамма ҳам аниқ жавоб бера олмаслиги мумкин. Шу сабабли Ватан тушунчаси ҳамиша мушоҳадага ундайди.

Хўш, Ватан нима? Нима учун она Ватан деймиз? Бизнингча, курраи замин Ер юзида яшаётган олти ярим миллиарддан зиёд халқлар учун тақдиран ва тарихан ато этилган макон борки, у ҳудуд она Ватандир.

Ватан атамаси аслида арабча бўлиб, она юрт маъносини билдиради. Ватан тушунчаси кенг маънода бир халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аждодлари яшаб ўтган ҳудудни англатади. Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ кўзда тутилса, бу тор маънодаги Ватан демакдир. Фалончи ватанли бўлди, дейилганда ўша одам уй-жойли, бошпанали бўлди, деган маъно англашилади. Ҳазрат Алишер Навоий Ватан тушунчасини она юрт, ўрин, туғилиб ўсган жой, маскан, манзил маъноларида ишлатган. Шунингдек, Ватан калимаси адабиётда кўнгил мулкининг маскани тарзида ҳам қўлланилади.

Ватан тушунчаси тарих давомида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муносабати билан ўзгариб, кенгайиб, ривожланиб, бойиб келган. Масалан, дунёнинг аввалида муайян қабила яшаган жой ўша қабиланинг юрти саналган. Жондош ва тилдош қабилаларнинг узвий иттифоқидан элат пайдо бўлган, элат яшаган ҳудуд эл деб аталган. Масалан, ўзбек халқ достонларида Чамбил эли ибораси кўп учрайди. Муайян масканда марказий бошқарувнинг пайдо бўлиши билан Ватан тушунчаси элат, яъни халқ ва давлат тушунчаларини ўзига қамраб олган. Халқнинг тили, маданияти, иқтисодий турмуши, руҳий ва руҳоний, маърифий ва маънавий равнақ топа бориши натижасида шу халққа мансуб кишилар орасида муштараклик шаклланади. Халқ билан миллат ўртасидаги бирламчи тафовут шундаки, миллат вакилларида уюшқоқлик, жипслик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик, маслак ва эътиқодда ягоналик, ўзаро манфаатдорлик, боғлиқлик ва алоқадорлик, бугунги турмуш ва келгуси мақсадларда умумийлик кучли ва қудратли бўлади. Кишилик жамияти тараққиётининг бугунги босқичида ижтимоий гуруҳларнинг энг ривож топган бўғини — бу миллатлардир. Шунинг учун ҳам жаҳондаги 202 давлатни бирлаштирган энг нуфузли халқаро уюшма Бирлашган Миллатлар Ташкилоти деб аталади. Бироқ ҳали-ҳануз Ер юзида кишилик жамияти тараққиётининг илгариги босқичларида яшаётган қабилалар, элатлар ва халқлар ҳам мавжуд. Демак, ҳозирги талаб нуқтаи назаридан ёндашилса, миллат эътироф этилиши учун халқаро ҳуқуқнинг субъекти ҳисобланган мустақил давлатига эга бўлиши керак. Шундан келиб чиқсак, Ўзбекистон Республикаси миллатимизнинг олтин бешиги, она Ватанимиздир. Бу ўринда давлат ва Ватан айни бир маънони ифодалайди, яъни Ўзбекистон Республикаси деганда она Ватанимизни, Ватан деганда эса, Ўзбекистонимизни тушунамиз.

2. МУҚАДДАС ЗАМИН

Ватан тушунчасининг қамрови турли тарихий даврларда турлича бўлган, ҳудуди ҳам ўзгариб турган, лекин бу ўзгаришлар нисбийдир. Маълумки, Одам — Ер фарзанди. Уни Халлоқи аъзам тупроқдан яратмишдир. Хўш, тупроқ нима? Тупроқнинг ердан фарқи нимада?

Тупроқ Ер қатламининг ўсимлик ризқ олиб ўсадиган устки қатламидир. Бу шунчаки қатлам эмас, балки одамнинг онгли меҳнати — чопиши, ҳайдаши, эгат олиши ва суғориши натижасида унумдор ҳолга келган ер қатламидир. Ота-боболарнинг, аждодларнинг хоки қўшилган ва бизнинг киндик қонимиз тўкилган замин тупроқдир. Шунинг учун ҳам она тупроқ муқаддас ҳисобланади.

Тупроқ одам фаолияти билан боғлиқ дедик. Одамлар турмуш фаолиятининг излари сақланиб қолган тупроқ қатлами маданий қатлам дейилади. Маданий қатлам манзилгоҳ, қишлоқ, шаҳарларда маданий қолдиқларнинг жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда даврма-давр, устма-уст жойлашишини ифодалайди. Масалан, нураган иморат ўрнига янги уй-жой қурилади, вайрон бўлган шаҳар қайта тикланади, уларнинг қолдиқлари эса маданий қатламни ташкил этиб боравераді. Демак, **маданий қатлам** инсон онгли меҳнатининг аввалги ҳосили, самараси, кейинги натижасидир.

Ер юзидаги турли ўлкаларда маданий қатлам қалинлиги турличадир. Баъзи жойларда бу атиги бир неча сантиметрни ташкил этса, бошқа жойларда ҳатто 35 метргача бориб етади. Бу маданий қатламнинг теранлигидандир. Халқнинг теран томирлари деб ана шунга айтилади. Ўзбекистоннинг маданий қатламлари, халқимизнинг теран томирлари жуда-жуда чуқурдир. Афросиёб, Далварзинтепа, Китоб, Эски Қовунчи, Косонсой, Қува ва бошқа жойларда қадимшуносларимиз ўтказган қазув-тадқиқот натижалари фикримизни яққол тасдиқлайди. Самарқандниг 2750 йиллиги, Тошкентнинг 2200 йиллиги ана шу маданий қатламларга қараб белгиланган. Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги ҳам улардаги маданий қатламга қараб аниқланди. Шу ўринда адолат юзасидан айтиб ўтиш жоизки, шўро замонида 1968 йили «Самарқанд 2500 ёшда» дейилди, ёши атай кичрайтирилди. Ваҳоланки, Самарқанд анча қадимийдир. Абу Райҳон Беруний нинг «Осор ул-боқия» китобида ҳам бу ҳақда тўхтаб ўтилган.

Лекин шўро даврида ёзилмаган бир қонун бор эди: Шарқ Ғарбдан сира олдин туриши мумкин эмас, жаҳон цивилизацияси гўё Ғарбдан бошланган, Ғарб инсоният маданиятининг илк бешиги. Мана шу сохта илмий қарашлар бутун тарихни чалкаштириб ташлаган.

Шу боис Самарқандниг 2500 йиллиги нишонланганда собиқ марказ газеталари «Самарканд — ровесник Рима» деб ёзишган. Шу маънода, Самарқанднинг 2750 йиллиги нишонланиши Ватанимизга оид тарихий ҳақиқатлар истиқлол шарофати билан қарор топаётганига ҳаётий далилдир.

Хуллас, маданий қатлам шу жойда яшаган ва яшаётган халқларнинг, бу ўринда бизким, ўзбекларнинг ва мазкур маконнинг ёшини, кимлигини белгилдирувчи ашёвий далил, бошқача айтганда, ўзига хос паспортдир.

3. ТАРИХНИНГ ЎҚ ИЛДИЗИ

Китобларда ва мулоқотларда тарихий Ватан ибораси ҳам учратамиз. Хўш, **тарихий Ватан** нима дегани?

Маълумки, тарих ўтмишга доир фандир. Шундан келиб чиқиб, тарихий Ватан атамаси халқнинг ўтмишда аждодлари яшаб ўтган макон маъносини англатади. Турон, Туркистон бизнинг тарихий Ватанимиздир.

Кўҳна **Хуросон** қадим маданий ва мутараққий ўлкалардан биридир. Азалдан бу диёрда туркий ва форсий халқлар яшаб келишган. Айниқса, темурийлар даврида, хусусан Шоҳрух Мирзо ва Султон Ҳусайн Бойқаро замонидаги Хуросонни билмай, ўрганмай, кўз олдимизга келтирмай туриб, халқимизни, унинг салоҳияти ва тарихини яхлит тасаввур қилиб бўлмайди. Сўз султони, малик ул-калом Лутфий, мавлоно Отойи, халқимизнинг даҳо шоири ва мутафаккири Алишер Навоий, атоқли мусаввир Камолиддин Беҳзод каби буюк зотлар шу тупроқда дунёга келиб, наъшу намо топганлар.

Назаримизда, «Туркистон — умумий уйимиз» деган шиор ўртага ташлангани да Марказий Осиёда азалдан яшаб келаётган барча тубжой халқлар учун Туркистон замини баб-баравар ҳам тарихий, ҳам асл Ватан, деган ғоя ифодаланган бўлса ажаб эмас. Масалан, бугун мамлакатимиз ҳудудида яшаётган бир миллиондан ортиқ қозоқлар учун Ўзбекистон Республикаси ҳам тарихий, ҳам асл Ватандир. Ёки бўлмаса республикамиз аҳолисининг 3,8 фоизини ташкил этувчи тожиклар учун ҳам худди шундай.

Маълумки, Туркманистонда 330 минг, Қозоғистонда 330 мингдан ортиқ, Қирғизистонда 600 мингга яқин ўзбеклар яшайди. Тожикистон фуқароларининг 25 фоизга яқинини ўзбеклар ташкил этади (бу маълумотлар «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»нинг 10-жилдидан олинди). Бу мустақил ва суверен республикалар у ердаги ўзбеклар учун ҳам тарихий, ҳам асл Ватан мақомидадир.

Ҳар бир одам, яхлит олганда бутун халқ, ўз Ватанини чуқур билса, теран томирлари қаерларга бориб етиши ва туташганини яхши англаса, бугунини теранроқ ҳис этади ва қадрига етади, келажагини ёрқин кўра олади. Тарих мисоли дарахтнинг ўқ илдизидир. Пойдеворсиз иморат бўлмаганидек, ўқ илдизсиз дарахт юксакликка бўй чўза олмайди, бўронларга дош беролмайди.

4. ЎТМИШИНИ УНУТГАННИНГ КЕЛАЖАГИ БЎЛМАЙДИ

Ҳамма ҳам Ватан нима эканини ҳис эта оладими? Биров учун Ватан бу — уй-жой, бола-чақа. Бошқаларга эса тўкин-сочин яшаш учун қулай жой, ундайлар учун қаерда яшаш осон бўлса, ўша ер Ватан. Бутун Ер юзини Ватан деб билувчи кимсалар ҳам йўқ эмас. Уларни одатда космополит деб аташади. Оддий халқ уларни беватан дейди. Тарихий Ватанини, аждодлари хотирасини унутиб юборган кимса ўзи ҳозир яшаб турган мамлакатга ҳам садоқатли фуқаролар бўла олмайдилар. Чунки ҳақиқий фуқаро бўлиш учун аввало чин инсон бўлиш керак. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **«тарихий хотирасиз келажак йўқ»...** «Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради». Одам хотираси билан одамдир, хотира мавжудотлар орасида фақат одамга хос фазилат. Тарихий Ватанини қўмсаш инсон маънавиятини белгиловчи асосий омиллардандир. Тарихий Ватанини ёдидан чиқарган одам яшаб турган жойининг ҳам қадрига етмайди. Бу юрт бошига бирор нохушлик тушса, дарҳол у ерни тарк этиб, бошқа қулай жойга кетиб қолади, тинч бўлса бас.

Ватан ҳисси — муқаддас туйғу. Унинг қудрати Ватан сиймосида намоён бўлади. Шу маънода, Ўзбекистонни ўзбек халқи ўз меҳнати, ақл-идроки билан яратган, десак, муболаға бўлмайди. Гўзал юртимизни мўъжизалар диёри, жаннатдек мамлакат, дейдилар. Бу гўзал Ватан тайёр ҳолда осмондан тушмаган. У тинимсиз меҳнат ва фидокорона меҳнат ила, халқ даҳоси ила бунёд этилган.

Тасаввур қилиб кўринг-а, агар муттасил уч йил мобайнида юртимизда меҳнат қилиш буткул тўхтатиб қўйилса, далалару боғ-роғлар суғорилмаса, ариқ ва зовурлар тозаланмаса, шўр ерлар ювилмаса, тўғонлару кўприклар тузатиб турилмаса, сел йўллари тўсилмаса, ниҳоллар ўтказилмаса, экин-текин қилинмаса, ўлкамизнинг аҳволи не кечади? Буткул харобага айланиб қолади-ку! Бир мисол. Тарихдан маълумки, қадим замонларда Шош мулкида, яъни Тошкент вилоятида Чирчиқ дарёсидан бўлак оқар сув бўлмаган. Қадимшунос академик Яҳё Ғуломовнинг тадқиқотига кўра, бундан уч минг йиллар илгари аждодларимиз Чирчиқ дарёсини тўғон билан тўсиб, кетмон билан ариқ қазиб, Тошкентга сув олиб келган, воҳани обод қилган. Бу одам меҳнати билан қазилган катта ариқ Бўзсувдир. Ҳозирги кунда Бўзсувни, унинг ирмоқ ва тармоқлари бўлмиш Қорасув, Золариқ, Салор, Кайковус, Анҳор, Қичқириқ, Қорақамиш ва шу кабиларни кўпчилик сунъий суғориш шохобчалари — каналлар эканини тасаввур ҳам қилмайди. Бундай мисолларни бошқа ҳудудлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Ёки бўлмаса, истиқлол даврида юрт ободлиги йўлида амалга оширилган беқиёс ишларни бир кўз олдингизга келтиринг. Биргина Хастимомнинг бугунги кўрку маҳобатини ўтмишдаги кўринишидан бирмунча қиёсланг! Бугун ҳаммани ўзига маҳлиё этаётган гўзал пойтахтимиз яқин ўтмишда қандай эди? Мустақиллик майдони-чи!

Ободлик кўнгилдан бошланади, деган гап ҳақ гап. Кўнгиллар обод бўлса, Ватан ҳам обод бўлади.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ўзбекистон санъат арбоби.

(Давоми бор).

ИСРОИЛ ЧЕГАРАНИ ЁПДИ

Исроил Ғазо сектори билан туташ чегарани вақтинчалик ёпиб қўйди, деб хабар беради Рейтерс. Бунга Исроилнинг «ХАМАС» томонидан ўққа тутилиши сабаб бўлди. Мамлакат мудофаа вазири Эҳуд Баракнинг айтишича, чегарадаги назорат пунктлари пайшанба кунига қадар беркитилган.

Эслатиб ўтамиз, сешанба куни «ХАМАС» назорати остида бўлган ҳудуддан отилган ракета аҳоли яшамайдиган жойга тушган. Томонлар ўртасида 19 июнь куни ўзаро тинчлик сулҳи тузилган эди, шундан бери Исроил тарафига ракеталар отилиши камайганди. Лекин «ХАМАС»чилар сулҳга амал қилмагани учун жавоб тариқасида чегара вақтинча ёпиб қўйилди.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ТАНҚИД ҚИЛДИ

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Мавританияда юз берган ҳарбий тўнтаришни қоралади ва ҳибсга олинган мамлакат президенти Саид Муҳаммад Шайх Абдуллоҳни озод этишни талаб қилди, деб хабар беради AFP. Маълумки, 6 август куни генерал Муҳаммад Абдул Азиз бошчилигидаги ҳарбийлар президент саройига бостириб кириб, ҳукуматни қўлга олган. Мамлакат президенти, бош вазир Яҳё Аҳмад Вагх ва бир неча мансабдор шахслар ҳибсга олинган. 12 август куни вазир ва мансабдорлар озодликка чиқарилди.

Ҳарбий тўнтаришга президентнинг Мавритания армияси қўмондони ва бош штаб раҳбари Шайх Муҳаммад Аҳмадни лавозимидан четлаштиргани сабаб бўлган.

ДУНЁНИНГ ЭНГ САРМОЯБОП ШАҲАРЛАРИ

Кўчмас мулк бўйича хорижий сармоядорлар уюшмаси (Association of Foreign Investors in Real Estate) ўзининг 200 нафар аъзоси ўртасида сўровнома ўтказди. Кўчмас мулк портфелида 700 млрд. АҚШ доллари бўлган мазкур шахслар «Дунёнинг қайси давлати сармоя учун энг қулай?» деган саволга жавоб беришган. Буюк Британия ва АҚШда иқтисодий танглик ва пул қадрсизланишининг кучайишига қарамай, сармоядорларнинг фикрича, бу давлатлардаги шаҳарлар ҳали ҳам моддий манфаат келтиради. Сўров натижаларига кўра, қуйидаги шаҳарлар сармоябоп деб топилган.



10. Гонконг. *Осиёнинг муҳим иқтисодий маркази ҳисобланади.*

9. Сидней. *Мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари бу ердаги кўчмас мулкларни ижарага бериш учун қулай шароит яратган.*

8. Мюнхен. *Knight Frank агентлиги маълумотига кўра, шаҳарнинг офис бинолари сармоядорларда катта қизиқиш уйғотади. 2007 йил шаҳар кўчмас мулкига 10 млрд. доллар миқдорида сармоя киритилган.*

7. Сингапур. *Пойтахт аҳолисининг моддий аҳволи яхшиланганги ва туризмнинг, айниқса, даволаниш туризмининг ривожлангани Сингапурга чет эллик сармоядорларни жалб қилмоқда.*

6. Токио. *Кўчмас мулкнинг барқарорлиги бутун мамлакат бўйича пул қадрсизланиши(1 фоиз) даражасини бир меъёрда сақлаб турибди.*

5. Шанхай. *Кўчмас мулк нархи унча қиммат эмас ва бундан ташқари бозор иқтисодиётининг ўсиш тезлиги юқори.*

4. Париж. *Кўчмас мулк таклифининг камлиги ва талабнинг кўплиги, шунингдек, янги иншоотлар барпо этиш лойиҳаларига чеклов мавжудлиги сабаб, бу мегаполисдан жой олиши учун рақобат кучли.*

3. Вашингтон. *Айни вақтда шаҳарда улкан қурилиш ишлари олиб борилмоқда ва сармоядорлар учун турфа хилдаги тижорат йўналишлари мавжуд.*

2. Лондон. *Кўчмас мулк сотуви ҳажмининг 10 фоиз, ипотека кредитлаш эса 30 фоиз камайганига қарамасдан, бу шаҳарга қизиқувчи сармоядорлар жуда кўп.*

1. Нью-Йорк. *Шаҳарнинг Парк Авеню ва Рокфеллер-Марказидаги кўчмас мулклар нархи пасайганига қарамасдан, шаҳар ҳамон йирик тижорат маркази ҳисобланади.*

Мамлакатимизда молияни янада такомиллаштириш, тижорат банкларининг мамлакат банклари институционал ривожланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, жойларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган ислоҳотлар чуқурлаштирилиши аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки эришган натижалар бунга ёрқин мисолдир. Зеро, бу банк ҳозирда Марказий Осиё минтақасидаги энг катта инвестиция муассасасига айланди.

МИЛЛИЙ БАНК:
ИШОНЧ – ЭНГ МУҲИМ САРМОЯ

Бозор иқтисодиёти шароитидаги рақобатга қарамай, Миллий банк мамлакат молия бозорида ўз мавқеини сақлаб турибди. Катта ресурс базаси, сармоя (Ўзбекистон банк тизими сармояси умумий ҳажмининг 40 фоизи) ва активлар (42 фоиз) Миллий банкка йирик ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш, инвестицияларни жалб қилиш учун халқаро молия бозорида барқарор ўринни эгаллаб туриш имконини бермоқда.

Миллий банк молия бозорининг барча устувор соҳаларидаги иш доирасини кенгайтира бориб, хизмат кўрсатилаётган мижозлар сонини тўхтовсиз кўпайтираяпти. Унинг мижозлари сони ҳозирда 1632,4 мингга етгани шундан далолат беради.

Эътиборлиси, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда кредитловчи муассаса сифатида қатнашиш «Ўзмиллийбанк»нинг асосий бизнеси бўлиб қолмоқда. Банк корхона ва ташкилотларга янги объектларни қуриш ва замонавий технологияларни жорий этиш юзасидан барча имкониятларни излаб топишга кўмаклашяпти.

Миллий банк молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган инвестиция лойиҳалари иқтисодиётнинг кўпгина тармоқларини таркибан чуқур қайта қуришда қатнашаяпти. Булар энергия ресурслари ва металларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва кимё саноати, транспорт, алоқа ва сайёҳлик инфратузилмаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш кабилардир.

Шу билан бирга Миллий банк хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни изчил ривожлантириб, мамлакатимизнинг халқаро молия ҳамжамиятига қўшилишида фаол кўмаклашмоқда. Банк ўз шерикларининг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш борасидаги иқтисодий манфаатдорлигини тезкор равишда аниқлаш ҳамда буни ўз ихтиёридаги барча воситалар билан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаяпти.

Ҳозирги кунда Миллий банк бир қанча халқаро эътирофларга ҳам эга. Жумладан, 2007 йилнинг ўзида унга Moody's халқаро ва «Эксперт РА» рейтинг агентликларининг рейтинглари берилди. Бу, ўз навбатида мамлакат учун хорижий инвестицияларни жалб этиш, бошқариш ҳамда халқаро савдо операциялари бўйича хизмат кўрсатиш борасида у асосий роль ўйнаётганлигини акс эттиради.

Бундан ташқари, «Эксперт РА»нинг рейтингини олиш билан Миллий банк Ўзбекистонда хорижий агентликнинг «А» даражасидаги юксак кредит рейтинги берилган биринчи банк бўлганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ЖОЗИБАСИ

Кўп йиллик иш тажрибаси ҳамда юқори малакали тайёргарликдан ўтган мутахассислар банкда умуммиллий аҳамиятга молик инвестиция лойиҳаларини молиялашни юксак даражада таъминлаш имконини бермоқда. Улар корхоналарни реконструкциялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янги қувватларни ишга туширишни бўйича лойиҳаларни молиялаш мақсадларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ҳозирги вақтда Миллий банк, мисол учун, умумий қиймати 3,87 млрд. АҚШ долларилик 108 та инвестиция лойиҳаси бўйича 143 та хорижий кредит линияси юзасидан хизмат кўрсатмоқда. Тошкент вилоятида Оҳангарон ГЭС, Андижон вилоятида Андижон ГЭС-2 қурилиши, «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналарини бурғулаш қурилмалари ва сейсмокидирув комплекслари билан жиҳозлаш лойиҳалари бўйича молиялаш ишлари бошланган. Марказий Фарғонадаги ҳайдаладиган ерларнинг мелиоратив тармоғини яхшилаш лойиҳасини молиялаш ишларига ҳам тез орада киришилади.

Бундан ташқари, Миллий банк агросаноат комплекси, телекоммуникация ва технологияларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар бўйича хорижий банклар билан ҳам бир қанча қарз битимлари имзоланган. Бу лойиҳаларни молиялаш келгуси йилларда амалга оширилади.

КИЧИК БИЗНЕС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ажратилган пул маблағлари миқдори бўйича хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳасида пешқадамлик қилаётган Миллий банк ўзининг бу борадаги сиёсатини, биринчи навбатда кредитлар истеъмол бозорини тўлдириш учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш билан шуғулланувчи тадбиркорларга йўналтирмоқда. У республиканинг барча минтақаларидаги бўлими ва филиаллари орқали юридик шахсларга ҳам, жисмоний шахсларга ҳам кенг доирадаги замонавий молия хизматларини тақдим этмоқда.

Хусусан, 2008 йилнинг биринчи ярмидаги ҳолатга кўра, Миллий банк томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига миллий валютада берилган кредитлар умумий ҳажми 186 млрд. сўмни, жумладан, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар 117,7 млрд. сўмни ташкил қилди. Шу тариқа ажратилган кредитлар умумий ҳажмининг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 33,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Миллий банкнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳаларини ривожлантиришга йўналтираётган микрокредитларига, айниқса, тадбиркорлар орасида талаб кучли. 2008 йил 1 июль ҳолатига кўра, банк томонидан барча кредитлаш манбалари ҳисобига 11,9 млрд. сўмлик 4,2 мингта микрокредит берилгани бунинг исботидир.

Миллий банк кредитлари асосида, якка тартибдаги тадбиркор ёки кичик фирма янада ривожланиш учун катта имкониятга эга бўлади. Банкнинг ёрдами, айниқса, саноат марказларидан олисда жойлашган туманлардаги аҳолининг турмуш даражасини ошириш, оилавий бизнесни ривожлантиришда қўл келмоқда. Ажратилаётган маблағлар шарофати билан ҳунармандчилик ва миллий амалий санъат кўникмалари ҳамда анъаналари сақланиб қолмоқда.

Кичик бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлаш дастури бўйича Миллий банк томонидан бир қанча хорижий банклар, молия муассасалари, республиканинг бюджетдан ташқари жамғармалари томонидан ажратилган кредит йўналишларини ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган кредитларни ўзлаштириш орқали амалга ошириш мўлжалланган лойиҳларни кўриб чиқиш ва молиялашни қабул қилиш борасида фаол ишлар олиб борилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда хорижий кредит йўналишларининг маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаш доирасида умумий қиймати 470,0 млн. АҚШ долларлик 177та лойиҳа қабул қилинган. Улар бўйича бериладиган кредитлар суммаси 275,8 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳолатига кўра, банк томонидан корхоналар акциялари ва улушларини сотиб олишга йўналтирилган қўйилмалар умумий ҳажми 35,18 млрд. сўмни ташкил этди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2007 йил 1 июлда 28,46 млрд. сўм эди. Демак, инвестиция портфелидаги ўсиш 6,72 млрд. сўмни ташкил қилди.

Бундан ташқари, банк мамлакат самолётсозлик ва металлургия саноати компанияларининг акцияларига ҳам ўз маблағларини йўналтириб, «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ, «Ўзавиализинг» ОАЖ ва «Ўзметкомбинат» АИЧБ каби корхоналарнинг акциядори бўлди.

Банк, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантиришда ҳам фаол қатнашаяпти. Хусусан, бошқа тижорат банклари билан биргаликда иккиламчи фонд бозорини ривожлантириш ва молия бозорининг ушбу сегментига аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш мақсадида «Элсис-Савдо» ва «Элсис-Клиринг» компаниялари ташкил этди. Ушбу компаниялар қимматли қоғозлар иккиламчи бозоридаги электрон савдоларнинг ташкилотчиси ҳисобланиб, улар тузилган битимлар якунлари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширмоқда. Бу, ўз навбатида, якка тартибда инвесторлик қилувчи жисмоний шахсларнинг мазкур бозорга киришини анча енгиллаштираяпти.

Миллий банк 2003 йилдан бошлаб банк хизматларининг корпоратив облигациялар андеррайтинги деб аталувчи янги турини тақдим этаётгани ҳам таҳсинга лойиқ. Бу хизмат Ўзбекистон фонд бозори иштирокчилари томонидан бир неча маротаба юксак баҳоланди. Айни чоғда, банк қимматли қоғозлар бозорида ўз маблағлари ҳисобидан операцияларни, банк мижозлари номидан ва улар ҳисобидан эса брокерлик операцияларини амалга оширмоқда.

Миллий банк депозит сертификатлари бозорини ривожлантиришда фаол қатнашаяпти. 2007 йилда юридик шахслар учун 30 млрд. сўмлик депозит сертификатлари ва жисмоний шахслар учун 100 млн. сўмлик эгаси кўрсатилмайдиган депозит (жамғарма) сертификатлари чиқарилгани бунга мисол бўла олади.

Президентимизнинг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизими ислоҳ этилиши ва ривожлантирилишини чуқурлаштириш дастури тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ, Миллий банк акциялаштирилиши кўзда тутилган. Банк Кенгаши эса «Ўзмиллийбанк»ни акциялаштириш чора-тадбирлари жадвали»ни тасдиқлаган. Унга кўра, 2008 йилда Миллий банк очиқ акциядорлик банкига айлантирилади.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Миллий банк Европа, Россия, Хитой, Корея, Покистон, Сингапур, Индонезия каби мамлакатларнинг етакчи банк ва молия муассасалари билан ҳамкорликда ишламоқда. Унинг 640 та банкни қамраб олган вакиллик тармоғини мақбуллаштириш хорижий банклар билан алоқаларни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлаётир. Халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлик доирасида ИТБ, ОТБ, ХМК, ОПЕК фонди каби ва бошқа халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлик фаолиятини янада кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Миллий банк ҳукуматлараро комиссияларнинг аъзоси ҳисобланиб, кўп ҳолларда республика иқтисодиётига хорижий банклар ҳамда молия муассасаларининг маблағларини жалб этиш, банклараро операцияларни такомиллаштириш, хорижий банклар билан ҳамкорликнинг янги йўналишларини ривожлантириш ва бошқа масалаларда Ўзбекистон Республикаси номидан ҳам иш юритмоқда. Айниқса, Европа, Россия, Корея, Хитой, Малайзия ва бошқа мамлакатларнинг экспорт-импорт банклари билан муносабатлари жўшқин ривожланаяпти.

Фақат 2008 йилнинг биринчи ярмида Миллий банк хорижий кредит ва молия муассасалари билан қўплаб икки томонлама битимларни имзолади. Хусусан, телекоммуникация ускуналари ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилишини молиялаш тўғрисида «Сосьете Женераль» банки билан тузилган қарз битими, қайтарилмайдиган грант бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисида Хитой тараққиёт банки билан имзоланган банклараро бизнес лойиҳаларини молиялаш ҳақида Ислом тараққиёт банки билан тузилган қарз битими шулар жумласидандир.

Бундай битимлар банклар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни муваффақиятли кенгайтириш ҳамда экспорт-импорт операцияларини, лойиҳалар ва савдо молияланишини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлаш имконини беради.

ИСТЕЪМОЛ ВА ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ

Кредитнинг аҳамияти, иқтисодиётга таъсири у амал қиладиган алмашув босқичлари билан чекланмайди, ўз навбатида ишлаб чиқариш ва истеъмол босқичларига ҳам таъсир кўрсатади. Яъни ишлаб чиқариш узлуксизлиги ва кенгайишига, ишлаб чиқариш тузилиши ўзгаришига, сармоядан фойдаланиш оқилоналиги ва самарадорлиги ортишига, илғор корхоналар ва лойиҳалар ўртасида қайта тақсимланишига таъсир қилади, пул айланишини ҳамда пул массаси тақсимланишини таъминлайди, харид қобилиятини сафарбар этади, истеъмол даражасини оширади.

Кредитлар пул массасининг ҳажми ва тузилишига, пул айланиши тезлиги ҳамда пул айланиши кўрсаткичларига фаол таъсир ўтказади. Пул массасини кредит ёрдамида тартибга солиш пул бирлигининг харид қобилиятини, барқарорлигини сақлаб туришда катта аҳамиятга эга. Чунончи, истеъмол кредити кенгайиши талаб ортишига, ижтимоий ишлаб чиқариш ва фаровонлик даражаси ўсишига олиб келади. Ахир, истеъмол кредитлари биринчи навбатда товар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириши ҳеч ким учун сир эмас-ку!

Кредит ҳисобидан квартира сотиб олиш эса, аҳолига уй-жойнинг тўлиқ қийматини жамғариш ва тўлашдан анча олдин турар жой муаммосини ҳал этиш имконини беради. Ипотека кредитлари бериш тизими аҳолининг барча қатламларига янги квартира сотиб олиш учун имконият яратади, бу эса ўз навбатида, оммавий қурилиш лойиҳалари амалга оширилишига, қурилиш саноати ва бинокорлик материаллари саноати тараққий этишига олиб келади.

Шуларни ҳисобга олиб, Миллий банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш мақсадида имтиёзли асосда истеъмол кредитлари бераяпти. Ёш оила кредит маблағлари ҳисобидан янги уй-жой сотиб олиши ёки ўз квартирасини таъмирлаши, янги маиший техника ва мебель сотиб олиши мумкин.

2008 йилнинг 1-ярми ҳолатига кўра, Миллий банк томонидан умумий суммаси 346.9 млрд. сўмлик кредит ажратилди. Бу 2007 йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 2 баравар (174.9 млрд. сўм) кўпдир. Хорижий валютада берилган кредитларнинг умумий ҳажми эса 42.4 млн. АҚШ долларига етди.

ЧАКАНА БОЗОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Миллий банк мижозларга 70дан ортиқ турдаги чакана хизматларни тақдим этмоқда. Хусусан, миллий ва хорижий валюталардаги депозитларни жалб этиш, овердрафт кредитлари тақдим этиш, сўм ҳамда халқаро пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва улар бўйича хизмат кўрсатиш, хорижий валютадаги пул жўнатмалари, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш, валюта айирбошлаш операциялари ва бошқа кўплаб хизматлар шулар жумласидандир.

Фақат кейинги уч йилнинг ўзида миллий ва хорижий валютадаги депозитларнинг ҳажми сўм эквивалентида деярли 2 баравар ортди. Бу эса, республика аҳолисининг Миллий банкка катта ишонч билан қараётганлигини тасдиқлайди. Ҳолбуки, айни шу банкка қўйилган депозитлар барча турдаги омонатларга қўйилган пул маблағларининг қарийб 25 фоизини ташкил этади.

Ҳозир Миллий банк муассасаларида миллий валютадаги 21 хил депозит амал қилмоқда. Улар бўйича йилига 13 фоиздан 18 фоизгача даромад тўланади. Хорижий валютада очилаётган 15 турдаги депозитлар бўйича эса, маблағларни уч ойдан уч йилгача сақлаш ва йилига 7 фоизгача даромад олиш мумкин. Шу билан бирга, хорижий валютадаги омонатларга пул маблағлари эгаси кўрсатиладиган ва эгаси кўрсатилмайдиган шаклда, АҚШ доллари, евро ва Англия фунт стерлингида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда банк томонидан «Камолот», «Кўклам», «Хотиржамлик» омонатлари амалга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 20 февралдаги Фармони қабул қилинганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш ва одамларнинг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш учун қўшимча имконият яратиб, мамлакат иқтисодиёти ривожланишини тезлаштириш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишда ёрдам берди.

Президент Фармони талабларини бажариш мақсадида Миллий банк қўшимча равишда миллий валютада еттита ва хорижий валютада бешта янги омонатни амалга киритди. Фармон талабларини тушунтириш учун Миллий банкнинг барча бўлим ва филиалларида мижозларнинг ҳар қандай саволларига тезда жавоб бериши керак бўлган малакали масъул ходимлар белгиланди ҳамда Ишонч телефонлари ўрнатилди.

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР

Банк пластик карточкалари орқали амалга ошириладиган нақдсиз электрон тўловлар бутун дунёда пул маблағлари маданиятли айланишининг ажралмас қисми ҳисобланади, улардан фойдаланилиши нақд пулларга талабни камайтиради, улар айланишини тезлаштиради, шунингдек, пул массаси назорат қилинишини осонлаштиради.

«Ўзмиллийбанк» миллий валютадаги ҳисоб-китоблар учун мўлжалланган сўм пластик карточкаларни, VISA халқаро карточкалари, IAPA ва Priority Pass дисконт карточкаларини чиқаради ҳамда улар бўйича хизмат кўрсатади. Шунингдек, банк Master Card халқаро карточкаларига ҳам хизмат кўрсатади. Ҳозир фақат «Ўзмиллийбанк» тизимида хизмат кўрсатилаётган 2600тадан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида пластик карточка эгалари ўзларининг сўм карточкалари билан ҳисоб-китоб қилишлари мумкин. Сўм пластик карточка ушловчиси бўлган мижозларга янги маҳсулот ва хизматлар таклиф этилмоқда. Булар «Ўзмиллийбанк» бўлим ёки филиалларида ҳам, терминаллар билан жиҳозланган ихтисослаштирилган кассалар орқали ҳам пластик карточкалар бўйича коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш, мижозларнинг мунтазам тўловларни (коммунал тўловлар, фойдаланиш харажатлари, уяли алоқа хизмати учун тўловлар ва бошқаларни) амалга ошириш тўғрисидаги давомли топшириқларини бажариш хизмати кабилардир.

Миллий банк, шунингдек, карточка эгаларига янги банк хизмати — иш ҳақи лойиҳалари доирасида чиқарилаётган овердрафт кредит карталарини таклиф қилаяпти. Бу карточкалар ўз эгасига банкдан қарз олиш имконини беради. Овердрафт кредити аҳолининг турли табақалари учун хос индивидуал эҳтиёжларни ҳисобга олиш имконини берувчи тўртта кредит схемаси кўринишида таклиф этилмоқда.

Банкнинг уринишлари беҳуда кетмаяпти. Пластик карточкалар эгаларининг сони йил сайин кўпайиб бораётганлиги ҳам буни яққол тасдиқлайди. 2008 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, Миллий банк томонидан чиқарилган пластик карточкаларнинг умумий миқдори 1.188,3 минг донадан ошди. Бу эса, 2007 йилнинг шу санасигача чиқарилган карточкалардан 21% кўпдир.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Жаҳонда ахборот технологиялари ривожланиши тарихи шуни кўрсатмоқдаки, ахборот технологиялари ривожланишига доимо асосан турли молия тузилмалари ва айниқса банклар туртки берган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолаяпти. Тезкор ҳисоб-китобларни амалга ошириш, жуда катта ҳажмдаги маълумотларни ҳисобга олиш, сақлаш ва уларга ишлов бериш, ахборот тақдим этиш соҳасида юқори даражали сифатни таъминлаш, ресурсларни қайишқоқлик билан ва тезкор бошқариш, молия бозоридаги хатти-ҳаракатларнинг энг мақбул стратегиясини математик жиҳатдан асосли танлаш зарурати — мана шулар замонавий молиявий-иқтисодий ташкилотлар ахборот тизимлари бажаришини талаб қиладиган асосий вазифалар рўйхати.

Миллий банк ўз фаолиятларининг хусусиятларига кўра, ахборот тизимларини умумжаҳон стандартлари даражасида ривожлантираяпти. У ахборот технологиялари соҳасидаги ўз пешқадамлигини сақлаб қолиш, бутун дунёдаги молия ташкилотлари билан банклараро муносабатлар даражасини таъминлаш ҳамда республика доирасида ўз мижозларига юқори сифатли хизматлар кўрсатиш ва уларни зарур хизматлар билан таъминлаш учун барча имкониятларга эга.

Жаҳон амалиётида Service Desk деб номланган фойдаланувчиларни қувватлаш хизматини яратиш Миллий банк ахборот технологиялари инфратузилмасини ривожлантиришнинг яна бир истиқболли йўналишидир. Бу ўзига хос диспетчерлик хизмати бўлиб, у ахборот технологияларидан фойдаланувчи олдида у билан келишилган сервислар тақдим этилиши учун тўла-тўкис жавоб беради, шикоят ва таклифларни қабул қилиш маркази бўлиб хизмат қилади, сервисларнинг жорий ҳолатини назорат қилади ва эҳтимолий узилишларни бартараф этиш учун нарядлар бериш, шунингдек, носозликлар бартараф этилиши жараёнини назорат қилиш ваколатига эга. Бундай хизматни яратишдан мақсад, фойдаланувчилар, мижозлар, сервис ходимлари, ахборот хизматлари ҳамда бирон-бир ёрдамчи хизматларни етказиб бериши мумкин бўлган "ташқи" ташкилотлар учун ягона туташув нуқтасини таъминлашдан иборатдир. Ўз навбатида, АТ-бўлинма доирасида айни Service Desk бошқа ходимлар олдида мижозларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Мижозларга масофадан хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш Миллий банкда ахборот технологияларини тараққий эттиришнинг стратегик йўналиши ҳисобланади. Республикада Интернет тармоғи кенг ёйилаётганлиги бу муҳитдан мижозлар билан банк ўртасида маълумотлар алмашишнинг асосий воситаси сифатида фойдаланиш учун яхши замин ҳозирламоқда. Электрон тижорат тўғрисидаги ва Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонунлар банкнинг бу йўналишдаги ишини тўла-тўкис амалга ошириш учун ҳуқуқий негиз яратаяпти.

ХОДИМЛАР САЛОҲИЯТИ

Миллий банкда 6 мингдан зиёд малакали мутахассис ва менежерлар ишламоқда. Бўш лавозимларга номзодларни танлов асосида саралаб олиш тизими ўзини оқлаган ва у даъвогарларнинг сифатларини атрофлича ўрганиш асосида банк жамоасини энг қисқа муддатларда замонавий банк технологияларини ўзлаштиришга қодир бўлган янги ходимлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Зеро, банк хизматлари доирасини кенгайтириш, сифатини ошириш, янги замонавий банк маҳсулотларини ўзлаштириш, жиҳозланиш, банк хизматлари автоматлаштирилишини халқаро даражага етказиш вазифаси малакали ходимлар жалб этилишини ва улар профессионал тайёргарликдан ўтказилишини, жумладан, минтақавий тармоқ кадрлари салоҳиятини кучайтиришни талаб этмоқда. Шу жиҳатдан олганда ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш тизимини ривожлантириш Миллий банкни кадрлар сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда кадрлар билан ишлашнинг асосий йўналишларидан бири — иқтидорли ёшларни аниқлаш, ходимлар қобилиятидан мақбул даражада фойдаланиш учун энг зарур шарт-шароитни яратишдан иборат. Гап шундаки, муваффақиятли фаолият юритиш кўп жиҳатдан истиқболли кадрлар танланишига боғлиқдир.

●●●

Эркинлаштириш йўли танлангани, эркин иқтисодий фаолият юритишнинг асосий принциплари изчиллик билан амалга оширилаётганлиги сезиларли натижалар бермоқда. Бу натижаларни базавий тармоқлар юксак даражада ривожланаётгани, макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарор ўсиб бораётгани ва пировард натижада республика аҳолисининг фаровонлиги ошаётганида кўришимиз мумкин.

Миллий банк, республиканинг энг катта банки сифатида мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган ўз молиявий сиёсатини бундан буён ҳам амалга ошириб бораверади.

Миллий банк матбуот хизмати. t

ИККИ КУМУШ, УЧ БРОНЗА

энди навбат олтин медалга...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пекин олимпиадасида дунёнинг 204 давлати спортчилари ғолиблик учун кураш олиб бораётган бўлса, ҳозиргача улардан фақат 79 таси медалларга сазовор бўлди. Улар орасида мустақил юртимиз йигит-қизлари ҳам борлиги қувонарлидир. Дастлаб дзюдочимиз Ришод Собиров (60 кг.) бронза медалини қўлга киритиб, барчамизни хурсанд қилганди. Орадан кўп ўтмай унинг ортидан яна бир полвонимиз Абдулла Тангриев (+100 кг.) кумуш, батутчимиз Екатерина Хилько бронза медаллари билан тақдирландилар. Охирги икки кунда эса Ўзбекистон спортчиларининг умумжамоа ҳисобида қўлга киритган медаллари сони яна иккитага бойиди.

Антон Фокин 1982 йил 13 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. У айни чоғда пойтахтимиздаги 14-махсус Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббийлик қилиш билан биргаликда Осиё, жаҳон чемпионатлари ҳамда халқаро турнирларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. Антон 2007 йилнинг охирида Штутгартда ўтказилган жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгаллаб, Пекин олимпиадасига йўлланмани қўлга киритган эди. Шундан сўнг, халқаро тоифадаги спортчимиз Японияда ўтган жаҳон кубоги баҳсларида брусьяда машқ бажаришда маҳорат кўрсатиб, кумуш медаль билан мукофотланди. Гарчи, Антон Пекин майдонларида спорт гимнастикасининг кўпкураш ва бошқа йўналишлари бўйича кучлилар таркибига кира олмаган бўлса-да, унинг брусьяда ўзини кўрсатишига ишонгандик. Чунки спортчимизнинг халқаро мусобақаларда кўрсатган натижалари бу ишончимизга асос эди.

— Мен илк бор гимнастика залига қадам қўйганимда эндигина олти ёшга кирган эдим, — деганди Антон суҳбатларимиздан бирида. — Дастлабки сабоқларни Анатолий Олушевдан олгандим. Чинакам спортчи бўлиб етишишимда эса тажрибали мутахассис Роберт Саркисовнинг ҳиссалари катта. Охирги уч йилда японияслик мураббий Рейши Наканума қўл остида шуғулланиб, катта ютуқларга эришдим. Олимпиадада кучсизлар иштирок этмайди. Аммо мен унда ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман ва албатта, юртимизга медаль билан қайтаман.



Пекин олимпиадасига Шуҳрат Мамадалиев мураббийлигида йўл олган Антон кутилганидек, брусья машқларида ўзини кўрсатди. Дастлаб саралаш ўйинларида 16,150 очко жамғарган ҳамюртимиз учинчи натижани кўрсатиб, ҳал қилувчи босқичга йўлланма олди. У кўпкураш мусобақаларида финал босқичига ўта олмаганида мамлакатимизнинг айрим нашрлари Антон паст натижа билан Пекин олимпиадасини тарк этди, дея ахборот тарқатди. Аммо умидли спортчимиз олдида ўзининг севимли брусья машқлари бўйича совринли ўринлар учун курашиш вазифаси турарди. Дарҳақиқат, у бор маҳоратини ишга солиб, бронза медалига сазовор бўлди — 16,200.

Мусобақалар дастуридан жой олган эркин кураш беллашувларида Ўзбекистон терма жамоаси энг кучли таркиб билан иштирок этмоқда. Мусобақаларнинг биринчи кунида 55 кг. вазн тоифасидаги курашчилар гиламга чиқдилар. Кўпчилик айнан шу вазн тоифасида ҳамюртимиз икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуровдан медаль кутаётганди. Бироқ, дастлабки учрашувларда Қозоғистон, Белорусия курашчиларини енгган вакилимиз чорак финалда японияслик Мацунагага ютқазиб қўйди. Натижада бронза медали учун курашишдан бошқа чора тополмади. Аввалига туркманистонлик полвонни мағлубиятга учратган Дилшод афсуски, ҳал қилувчи учрашувда россиялик Бесик Кудуховга бронза медалини бой берди — 0:3.

Кеча 66 кг. ва 74 кг. вазн тоифаларидаги курашчилар медаллар учун беллашувларни давом эттиришди. Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Осиё ва жаҳон чемпионатлари совриндори Сослан Тигиев (74 кг.) барча рақибларини енгиб, финалгача етиб борди. Дастлаб Георгита Стефан (Руминия) устидан ишончли ғалаба қозонган ҳамюртимиз чорак финалда грециялик спортчига рўбарў келди. Ярим финалда Сослан Тигиев белорусиялик Мурод Гайдаровга қарши гиламга чиқди ва рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади — 2:0. Финалда эса курашчимизни икки карра Олимпия чемпиони Бувайсар Сайтиев (Россия) кутиб турарди. Ўзига нисбатан саккиз ёш катта рақибидан бир мунча тезкор ҳаракат қилганига қарамай, якунда Сосланга бироз тажриба етишмади ва кумуш медаль билан кифояланди.

Маълумки, мухлисларнинг боксчиларимиздан умиди катта эди. Афсуски, кеча ўтказилган чорак финал баҳсларида рингга кўтарилган сўнгги боксчимиз Элшод Расулов (75 кг.) кубалик рақиби билан бўлган тенгма-тенг жангда имкониятни бой бериб қўйди.

Эркин ХОЛБОБО,
Анвар ИЛЁСОВ
(«Жаҳон» АА)
олган суратлар.

Санъат

САБИНАНИНГ ОРЗУЛАРИ

Сабина Қурбонова Янгиариқ туманидаги 15-болалар мусиқа мактабида таҳсил олади. Санъатга иштиёқманд бу қиз ёш бўлишига қарамай Хоразм рақсларининг деярли барчасини моҳирона ижро этади. Яқинда пойтахтимизда Ёшлар йили муносабати билан ўтказилган Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги ёш ижрочилар кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, «Лапар ижрочилиги» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Бу муваффақият уни бундан-да юксак марралар сари ундамоқда. Сабинанинг келажакдаги энг катта орзуси — мусиқа ва рақс санъатининг барча сир-асрорларини эгаллаб, ўзбек рақсларини жаҳон саҳналарида намойиш этиш.

Орзуга айб йўқ. Негаки, Сабина Қурбонова туман ва вилоят миқёсида ўтказилаётган турли тантана-байрамларда гўзал рақслар ижро этиб, минглаб кишиларни ўзининг санъати билан ҳайратга солмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НОРИН — СИРДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдосини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Иншоот номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Қурилишни якунлаш муддати (кун)
1.	Лот7.1 Наманган вилояти, Норин туманидаги «Қорадарё» хўжаликлараро зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (4-босқич 28,996 км.)	61 658 827	90 кун
2.	Лот7.2. Наманган вилояти, Янгиқўрғон туманидаги «Намангансой» хўжаликлараро зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (2-босқич 35,2 км.)	113 841 875	100 кун
3.	Лот7.3. Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги «Шўрбулоқ» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (16,4 км.)	45 640 172	70 кун

Буюртмачи — Наманган шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 68-уйда жойлашган Норин — Сирдарё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Гидрогеология мелиоратив экспедицияси.

Телефон: 8(369) 226-38-34, 226-78-53.

Қурилиш ишлари Молия вазирлиги қошидаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил: **Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй. (Матбуот уйи, 4-қават),** иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.

Мустақиллик байрами арафасида Москвадаги Марказий рассомлар уйида Ўзбекистон халқ рассоми Медат Кагаровнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

ЭЗГУЛИК ВА САМИМИЙЛИК

АКС ЭТГАН АСАРЛАР

Экспозиция истиқлолнинг 17 йиллигига бағишланди. Унда М.Кагаровнинг юзга яқин тасвирий ва график асарлари ҳавола этилмоқда.

— Москвада ўзбекистонлик бир рассомнинг кўргазмаси ниҳоясига етмай туриб, бошқа бир ижодкорнинг экспозицияси очилиши қувонарли, албатта, — дейди Медат Кагаров. — Ўзбек тасвирий санъати сўнгги йилларда жадал тараққий этмоқда. Рассомларимизнинг қатор лойиҳалари ҳам юртимизда, ҳам чет давлатларда муваффақият қозонмоқда. Бунга мамлакатимиз раҳбариятининг кўмаги билан бир қаторда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси каби нодавлат ташкилотларининг фаолияти орқали эришиляпти. Асарларим россиялик томошабинлар эътиборига халқимизнинг энг улуғ байрами — Мустақиллик куни арафасида тақдим этилаётганидан бахтиёрман.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА
Москва.

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газдевайс» АЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- **горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);**
- **буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);**
- **икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);**
- **ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);**
- **ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);**
- **ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).**

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. **Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 233-44-73.**
2. **Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 34-уй, чап қатордаги 3-дўкон.**

Мўлжал: Perfectum mobile. Тел.: 252-20-73.

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

«ҒАЛЛАБАНК» жамоаси

юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси **Мустақиллигининг 17 йиллиги билан** муборакбод этиб, қуйидаги йиллик 18 фоизли янги омонат турлари амалга киритилганини маълум қилади:

Омонат тури	Муддати	Эслатма
«Ko'zgu»	1 ой	фоизлар олдиндан тўланади
«Tong»	1 ой	фоизлар муддат тугагандан сўнг тўланади
«Musaffo»	3 ой	фоизлар олдиндан тўланади
«Saraton»	3 ой	фоизлар ҳар ойда тўланади
«Mukofot»	6 ой	фоизлар олдиндан тўлаб берилади
«Zamin»	6 ой	фоизлар ҳар ойда тўланади
«Foydali»	1 йил	фоизлар ҳар ойда тўланади
«Adolat»	2 йил	фоизлар ҳар икки ойда тўланади
«Omad»	1 йил	ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади

Мазкур омонатлар жорий йилнинг 1 октябрига қадар қабул қилинади.
Омонатлар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланади.
Маълумот учун тел.: 233-71-72, 236-74-30, 233-98-80; www.gallabank.com

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ТЖБКХ томонидан 1999 йил 26 январда Исматуллаева Р. номига берилган 42/1076 рақамли далолатнома йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Касби туман партия кенгаши раиси Абдиали Холовга отаси **АМИР** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
7962 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 00.20
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda